Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2010 йил — Баркамол авлод йили

ISSN 2010-7021

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 12-MART, JUMA, 30 (7647) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Tashabbus-2010

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти юксалиб бораётир. Президент соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танлови уларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Оролбўйидаги ўнлаб кўллар сув билан таъминланган, қарийб 110 минг гектарни эгаллаган ҳавзаларда балиқчилик ва қушчиликни қайта ривожлантириш, чорва моллари учун мустаҳкам озуқа базаси яратилди. Натижада 60 та балиқчилик хўжаликлари ташкил қилиниб, иқтисодиётнинг янги соҳаси вужудга келди. Уларга 72 минг гектар кўллар, сув ҳавзалари ажратиб берилди.

Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий каби ўзбек шоирлари, Маҳтумқули, Камина, Мулланафас каби туркман шоирлари китоблари кириб бормаган, улар шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янграмаган бирорта ўзбек ёки туркман хонадонини топиш маҳол. Илдизи бир бўлган икки қардош халқнинг дўстлиги, адабий алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади.

сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда сахифаларда

Аввал хабар қилинганидек, Президент Ислом Каримов раислигида 10 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан аввал барпо этилган болалар спорти объектларининг ҳозирги ҳолати ҳақидаги, 2010 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш Дастури тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Қуйида Ҳомийлик кенгаши йиғилишининг баёни эълон қилинмоқда.

БОЛАЛАР СПОРТИ: АСОСИЙ МАҚСАД — СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ

1. Ҳомийлик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ориповнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан аввал барпо этилган болалар спорти объектларининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисидаги ахборотини тинглаб ва танқидий муҳокама қилиб, тайёрланган материалларни қайта ишлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Комиссия (А.Орипов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда икки ҳафта муддатда жойларга чиқиб, болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини яна бир бор танқидий таҳлил қилсин. Бунда болалар спорти объектларининг фаолият кўрсатиш самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги мезонларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратсин:

спорт билан оммавий шуғулланиш — болалар ва ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиш қамрови даражасини ошириш. Бунда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар) ўқувчиларининг умумий сони асос қилиб олинсин;

ўрнатилган нормативлардан келиб чиқиб, болалар спорти объектларининг **спорт ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозланиш даражаси;**

болалар спорти объектларининг тасдиқланган нормативларга мувофиқ, **юқори малакали, профессионал даражада тайёрланган мураббийлар** ва таълим муассасаларида жисмоний тарбия ўқитувчилари, жумладан, хотин-қиз мураббийлар билан тўлдирилгани;

спорт объектларидан фойдаланиш даражаси — бир кун ва ҳафта давомида турли спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш соатлари, ўтказилган спорт тадбирлари сони ва бошқалар;

спорт билан шуғулланиш самарадорлиги — республика ва халқаро мусобақаларда 19 ёшгача бўлган спортчи болалар ва ёшлардан совриндорлар сони.

Комиссия ўтказилган таҳлил натижалари бўйича, уларни танқидий баҳолаш билан бирга, болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, мазкур иншоотларни тасдиқланган нормативларга мувофиқ замонавий спорт ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозлаш, юқори малакали мураббий кадрлар билан таъминлашга доир аниқ таклифлар киритсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев):

бир ой муддатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қурилган, алоҳида жойлашган 178 намунавий болалар спорти объектларининг баланс эгаларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклиф киритсин ва бундан кейин уларни талаб даражасида сақлаш ва улардан самарали фойдаланишни назарда тутсин;

алоҳида жойлашган ҳар бир болалар спорти объектини талаб даражасида сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтирсин.

Алоҳида жойлашган спорт иншоотларидан самарали фойдаланмаслик республика ва вилоятлар спорт федерациялари фаолияти қониқарсиз эканини белгиловчи кўрсаткич ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа манфаатдор идора ҳамда тузилмалар билан биргаликда икки ҳафта муддатда хотин-қиз мураббийларнинг базавий ойлик маошига 15 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ белгилаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

(Давоми 2-саҳифада)

БЎЛҒУСИ ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ

Республикамизнинг эртанги куни, фарзандлар таълим-тарбияси, жисмоний ва маънавий камолоти белгилайди. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ҳам ана шу улуғвор мақсадлар кўзда тутилган.

Бугунги кунда Оролбўйида ўсиб келаётган авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши, спорт билан шуғулланишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Чекка ҳудудларда ҳам замонавий спорт иншоотлари қурилиб, уларда барча шарт-шароит яратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 2-кўптармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби минтақадаги нуфузли таълим-тарбия масканларидан биридир. Ушбу мактабнинг замонавий талаблар асосида жиҳозланган учта спорт залида 892 нафар ўғил-қиз спортнинг 14 тури билан мунтазам шуғулланади. Ёшларга 25 нафар тажрибали мураббий сабоқ беради.

— Мактабимизда спортнинг бадиий гимнастика тури бўйича юз нафарга яқин қиз шуғулланмоқда, — дейди биринчи тоифали мураббий, спорт устаси Нигора Полвонова. — Саккиз гуруҳда тарбияланаётган қизлар орасида республика ва халқаро миқёсдаги мусобақалар иштирокчилари ва совриндорлари бор.

Тажрибали мураббий "Умид ниҳоллари" ва "Баркамол авлод" спорт ўйинларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритган шогирдлари билан фахрланади. Ўтган йилнинг октябрь ойида Учқудуқ шаҳрида ўтказилган "Қизилқум гуллари" мусобақасида мактаб ўқувчиларидан Гумисай Ешбоева кумуш ва Гулистон Отамуратова бронза медалини қўлга киритди.

Мактаб жамоаси жорий йилда ҳам Ўзбекистон чемпионларини тарбиялаш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда.

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 11 март куни Япониянинг Нагоя университети ваколатхонаси очилди

Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча жабҳаларда, жумладан, таълим соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Япония Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг ҳамкорликни ислоҳотларни изчил қўллаб-қувватлаб келаётир. Мазкур мамлакат 1993 йилдан буён мамлакатимиз билан кадрлар тайёрлаш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

Тошкентдаги Нагоя университети ваколатхонаси Марказий Осиёда ягона бўлиб, унда нафақат ўзбекистонлик, балки бутун Марказий Осиё мамлакатлари ёшлари талабаликка танлаб олинади.

— Япония Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни юксак қадрлайди, — деди Нагоя университети президенти Хамагучи Мичинари. — Ўзбекистон — юксак интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат. Шу боис биз университетимизнинг ваколатхонасини очиш учун айнан Ўзбекистонни танладик. Айни вақтда ўзбекистонлик ўнлаб талабалар бу университетда таҳсил олади. Уларнинг сонини янада ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур ваколатхона мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Университетимиз битирувчилари келгусида Ўзбекистон тараққиётига ва ўзаро муносабатларимиз ривожига катта ҳисса қўшишига ишонамиз.

Мадина УМАРОВА, ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Хўжайли тиббиёт коллежида "Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш муаммолари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЁШЛАР ЖИНОЯТДАН ЙИРОҚ БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва туман ҳокимлиги томонидан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбати давомида жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, одам савдоси оқибатлари, ёш тадбиркорларга дастлабки молиявий ёрдам бўйича кенг тушунчалар берилди.

Мазкур мавзудаги давра суҳбати Шуманай туманида ҳам бўлиб ўтди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

АГРОСАНОАТ РИВОЖИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида "Аграр ва сув хўжалиги соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг ҳолати ва натижалари" мавзусида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Экология ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси аъзолари иштирок этди.

Мамлакатимиз пойтахтидаги қатор олий ўқув юртлари ҳамда агросаноат, сув хўжалиги ва экология соҳаларига тааллуқли ўттиздан ортиқ илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, таниқли олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган анжуманда амалдаги қонунларни такомиллаштириш, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш борасида олиб борилаётган илмий изланишлар ва тадқиқотлар юзасидан фикр алмашилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда ер, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги тадқиқот ишлари, илмий изланишлар ижобий натижаларни бермоқда. Шу билан бир пайтда, соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш учун қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифлари ва ўндан ортиқ янги қонун лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

Парламент фаолияти

Илм аҳли салоҳиятидан фойдаланиш қўмита иши самарадорлигини янада оширишга ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилиши баробарида қонунчиликни такомиллаштиришда ҳам аҳамияти муҳим эканини йиғилиш иштирокчилари алоҳида таъкидладилар.

Қўмита иш режасига киритилган "Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Чорвачиликни янада ривожлантиришга йўналтирилган айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги, "Ветеринария тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳалари ва бошқа бир қанча қонун лойиҳалари бўйича фикр ва мулоҳазалар айтилди.

Қўмитанинг 2010-2014 йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги фаолияти йўналишидаги чуқур, ҳар томонлама пухта ишланган, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнининг талаблари асосида иш режасини ишлаб чиқиш, бу борада тегишли идоралар, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, қўмита ҳузурида экспертлар гуруҳини ташкил этиш ва бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Қунининг муҳим воқеалари

Пойтахтимизда кураш бўйича ўтказилган республика очиқ биринчилигида юртимиз полвонлари билан бирга Қозоғистон ва Мозамбикдан келган спортчилар ҳам ўзаро куч синашди. Мутлақ вазн тоифасида гиламга чиққан икки карра жаҳон чемпиони Ш.Жўраев барча рақибларини мағлубиятга учратди. Самарқандлик Э.Иброҳимов эса иккинчи ўринни эгаллади.

Ёшлар ижод саройида Тошкент Гёте институти, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида "Фотосанъат" деб номланган кўргазма ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи якунланди.

Бухоро вилоятида "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки микромолиявий хизматларни тарғиб қилиш, тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга бағишланган минтақавий кўргазмали семинар ўтказди.

БОЛАЛАР СПОРТИ:

АСОСИЙ МАҚСАД — СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ

(Боши 1-саҳифада)

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (С.Бекенов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Б.Ходиев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Жабборов), Халқ таълими вазирлиги (А.Мараҳимов) 2010/2011 ўқув йилида олий ўқув юртларига қабул қилиш режасини шакллантиришда хотин-қизлардан юқори малакали мураббийлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари тайёрлашни кенгайтиришни назарда тутсин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Икромов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда вилоятлар, шаҳар ва туманлар кесимида болаларнинг спорт билан шуғулланиши уларнинг жисмоний ҳолатига, касалланишининг камайишига таъсир этиш кўрсаткичлари бўйича мониторинг тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин, шу асосда спортнинг муайян турлари билан шуғулланишни кенгайтириш ва спорт машғулотларининг оғирлик даражаси бўйича асосланган тавсиялар тайёрласин.

6. Иқтисодиёт вазирлиги (С.Бекенов), Халқ таълими вазирлиги (А.Мараҳимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Икромов), "Ўзстандарт" агентлиги (А.Абдувалиев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

республикада болалар спорти объектларининг футбол, волейбол, баскетбол, гандбол ва теннис тўпларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқ таъминлаш учун уларни ишлаб чиқаришни 2010 йилнинг 1 сентябригача йўлга қўйиш;

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарларини чакана савдо тармоқлари орқали аҳолига сотишни ташкил этиш;

ишлаб чиқарилаётган спорт товарлари, жумладан, уларни ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган материаллар ва бутловчи қисмлар сифати, уларнинг санитария нормалари ва халқаро стандартларга мувофиқлиги устидан қатъий назоратни таъминлаш бўйича аниқ чоратадбирларни қабул қилсин.

7. Миллий телерадиокомпания (А.Ҳаджаев), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда болалар спортини ривожлантиришнинг ўрни ва аҳамиятини, Ўзбекистон ёшларининг спортдаги ютуқларини, болаларнинг мусиқа ва санъат билан шуғулланишини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Хўжаевнинг 2010 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш Дастури тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Очиловнинг 2010 йилга мўлжалланган болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича аниқ манзилли дастурларга киритилган ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштириладиган болалар спорти объектлари қурилишини молиялаш жорий йилнинг 20 мартига қадар бошланиши тўғрисидаги ахбороти қабул қилинсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси уч кун муддатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган маблағларни умумтаълим мактабларида барпо этиладиган спорт заллари қурилишига ҳамда алоҳида жойлашган янги болалар спорти объектлари, суниш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш Дастури тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Очиловнинг 2010 йилга мўлжалланган болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича аниқ манзилли дастурларга киритилган ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатларининг ғазначилик ижроси механизмини 2010 йилнинг II чорагидан жорий этиш бўйича чоратадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин;

2010 йилнинг ҳар бир чораги якуни бўйича Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳудудий филиалларининг болалар спорти иншоотлари объектлари қурилишига ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиши ва харажатлар сметасига риоя қилишини текширишни амалга оширсин ва уларнинг натижалари бўйича жамғарманинг Ҳомийлик кенгашига ахборот тақдим этсин.

12. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Жабборов), Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А.Очилов), Миллий телерадиокомпания (А.Ҳаджаев), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2010 йилга мўлжалланган дастурида чуқур маъно-мазмун мужассамлигига, яъни болалар спорти объектларини қуриш билан бирга болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиши ва уларни реконструкция қилишга ажратиладиган маблағларни сезиларли даражада кўпайтириш кўзда тутилганига, чунки баркамол авлодни тарбиялашда ушбу йўналишлар бир-бири билан узвий ва чамбарчас боғлиқ эканига алоҳида эътибор қаратсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев), Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Б.Хўжаев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Жабборов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2010 йилга мўлжалланган аниқ манзилли дастурга киритилган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг намунавий лойиҳалар асосида сифатли қурилиши ва ўз вақтида ишга туширилиши, уларнинг зарур анжомлар, инвентарлар ва мебеллар билан жиҳозланиши, профессионал кадрлар билан таъминланиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев):

бир ҳафта муддатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари параметрлари ҳамда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2010 йилга мўлжалланган аниқ манзилли дастур тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун ўрнатилган тартибда киритсин;

ҳар чоракда ўз йиғилишларида болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича тасдиқланган аниқ манзилли дастурлар ижросини кўриб чиқсин, уларнинг ўз вақтида ишга туширилиши, зарур жиҳоз ва инвентарлар билан таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

14. Ушбу баён ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Олий таълим муассасаларида

НАФАҚАТ ЕР ВА СУВ ИЛМИДА, СПОРТДА ҲАМ ИЛҒОР

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида уларни фан ва спорт тўгаракларига жалб этиш ўзининг натижаларини бермоқда.

Ёшларимизнинг спорт соҳасида республика, халқаро миқёсда эришаётган ютуқларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Жумладан, Гидромелиорация факультети талабаси Бобожон Тоғаев ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионатида олтин медаль совриндори бўлди. Шу факультет талабаси Матлуба Абдиева таэквондо бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлса, Дилноза Каримова эса Олмаотада бўлиб ўтган кикбоксинг бўйича халқаро мусобақада олтин медаль совриндори бўлиб қайтди. Институтимиз талабаси Анвар Рўзиев эса ўтган йили Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтган Шотокан каратэ-до мусобақасида бронза медали соҳиби бўлди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан ўтказилган шахмат мусобақасида яна бир талабамиз Авазбек Ишбоев фахрли биринчи ўринни эгаллади. Бир сўз билан айтганда, бўлғуси мелиоратор ва ирригаторлар спорт соҳасида ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Улар институтимиз фахрига айланишган.

Шунинг баробарида институтимиз профессор-ўқитувчилари ўртасида ҳам спорт тадбирлари ўтказишга кенг эътибор қаратилмоқда. Яқинда ўқитувчи ва ходимлар ўртасида институт касаба уюшмаси совриги учун спортнинг минифутбол, стол тенниси, баскетбол, волейбол ва шахмат-шашка турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Уни юқори савияда ўтказишда институтнинг фидойи профессор-ўқитувчиларидан Тўлқин Пўлатов, Азиз Ходжанов, Лола Қудратова, Насибахон Юсуповаларнинг хизмати катта бўлди.

Мусобақада ҳар бир тур бўйича ғолиб жамоаларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ботирхон ИБРАГИМОВ

«Ташаббус-2010»

ЭЛГА ЭШ БЎЛИШ САОДАТИ

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти юксалиб бораётир. Президент совриги учун ўтказиб келинаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танлови уларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

АНДИЖОН шаҳридаги савдо-саноат палатасида бўлиб ўтган "Ташаббус-2010" кўрик-танловининг вилоят босқичида "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича Хўжаобод туманидаги "Ал-Ҳаким" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Исроилжон Ураимов биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Бундан 5 йил аввал фаолиятини бошлаган тадбиркор трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу вақт мобайнида ишловчилар сони 15 баробарга кўпайиб, 85 кишига етди. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг ҳамиша харидоргирлиги ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга туртки бермоқда.

Шаҳрихонлик Иброҳимжон Раҳимов "Энг яхши ҳунарманд" йўналишида ғолибликни қўлга киритди. Пичоқсозлик ҳунарини эъзозлаб келаётган ҳунарманд "Уста — шогирд" анъанасига ҳамиша содиқ. Иброҳимжон Раҳимовнинг қўлида сайқал топган пичоқлар ўндан ортиқ хорижий давлатларда ҳам ўз харидорларига эга.

"Энг яхши фермер" номинацияси ғолиби олтинкўллик Шамсиддин Холиқовнинг, айниқса, паррандачиликни замонавий технология асосида ривожлантиришга қаратилган интилишлари салмоқли самара бераётир. Ҳозирда 35 мингта зотли паррандa парваришланмоқда. 2009 йили шартнома асосида харидорларга 3 миллион 600 минг дона тухум етказиб берилди. Айни вақтда фермер хўжалиги қошида техник хизмат кўрсатиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда бу ерда 146 ишчи ўрни бор.

Танлов ғолибларига ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди. Улар танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

* * *

БУХОРО шаҳридаги Абу Али ибн Сино маданият саройида Президент совриги учун ҳар йили ўтказиладиган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар иштирок этишди.

Ғолибларни аниқлашда ҳакамлар ҳайъати эътиборни тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш жараёнига замонавий ихчам технологияларни киритиш ҳамда улар асосида ўзимизда етиштирилаётган маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги иш ўринларини яратиш, экспортбоп товарлар тайёрлаш, хорижий корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатиш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишди. Бундан ташқари, уларнинг кейинги йиллардаги фаолияти давомида иқтисодий жиҳатдан барқарорлашиб бориши, олинган даромадлар ҳисобидан ўз жамоаларида иш кўламини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам ҳисобга олинган.

Шундай қилиб, тадбиркорлик йўналиши бўйича биринчи ўрин — Бухоро шаҳридаги тадбиркор Шерали Султонов раҳбарлик қилаётган, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган "Сул Шер Жаҳон" хусусий корхонасига насиб этди. Ҳунарманд Хуршид Фатуллаев ўз йўналишида ғолибликни қўлга киритган бўлса, Вобкент туманидаги "Олмазор" фермер хўжалиги раҳбари Маҳмуд Равшанов энг яхши фермер деб топилди.

Танлов ташкилотчилари томонидан яна бир неча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, уларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

* * *

ҚАШҚАДАРЁ. Қарши шаҳридаги Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номли вилоят мусиқий драма театрида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг вилоят босқичида бунёдкорлик, ҳунармандчилик ва фермерликнинг ўзига хос янги қирралари намойиш этилди. Яккабоғ туманидаги "Турон-Бунёдкор" қурилиш инжиниринг компаниясининг раҳбари Эркин Тўхтаев "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича ғолиб деб топилди. "Энг яхши фермер" йўналишида Косон туманидаги "Шоймардон бобо" фермер хўжалиги раҳбари Қосим Шоймардонов, "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши бўйича Чироқчи туманидан Салтанат Қўлдошева бош мукофот соҳиби бўлди.

Кўрик-танловдаги қўшимча номинациялар — "Энг яхши инновацион лойиҳа"сига Китоб туманидаги "Жавоҳир Акром" ишлаб чиқариш корхонаси сазовор бўлди. "Энг яхши корхона — ёшларга иш берувчи" номинациясини Қарши туманидаги "Геврантекс" корхонаси қўлга киритди. "Энг яхши ҳунарманд оила" номинациясида Қарши туманидан Камола Қодирова хонадони бош мукофотга лойиқ деб топилди.

Кўрик-танловнинг "Энг ёш тадбиркор" номинациясида умидли истеъдод соҳиблари ҳам кашф этилди. Улар орасида энг муносиби деб Миришкор туманидан Малика Амирова номи алоҳида эътироф этилди. "Энг яхши тадбиркор аёл" номинацияси бўйича эса Қарши туманидан Дилором Умарова ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Энди улар "Ташаббус"нинг республика босқичида иштирок этадилар.

Қобилжон АСҚАРОВ,
Ҳамроз АЛИ,
Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбирлари.

Жозибаси ўзгача

Уста-кулол Рустамжон Усмоновнинг номи бугунги кунда нафақат республикамизда, балки кўплаб чет мамлакатлардаги халқ амалий санъати ихлосмандларига ҳам яхши таниш бўлиб қолди.

— Юртбошимизнинг биз ҳунармандларга бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликлари янги ютуқлар сари илҳомлантирмоқда, — дейди Рустамжон Усмонов. — Айниқса, ҳар йили ўтказиб келинаётган «Ташаббус» Республика кўрик-танловида ҳунармандларга ҳам ўрин ажратилишининг ўзиёқ юқоридаги фикримизни яққол исботлайди.

СУРАТДА: *халқ амалий санъати намояндалари Рустамжон Усмонов ва Маҳмуджон Азизов.*

Маъмур МУСУЛМОНОВ олган сурат.

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Халқимиз доимо орзиқиб кутадиган Наврўз айёми арафасида юртимиз ўзгача кўрку тароват касб этмоқда. Ям-яшил тусга кирган қир-адирлар, ораста хиёбонлар кишининг баҳри дилини очади. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида қад ростлаётган замонавий иншоотлар, хушманзара масканлардан кўзингиз қувнайди. Қаерга борманг, бунёдкорлик, ободончилик ишларининг гувоҳи бўласиз.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий юксалишида, халқимиз фаровонлигининг мунтазам ошиб бораётганида юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳим омил бўлаётир. Энг катта бойлигимиз — тинчликни мустаҳкамлаш, осуда ҳаёт учун қайғуриш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, балки ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчи эканини юртдошларимиз чуқур ҳис этиб яшамоқдалар.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир, — дейди Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Ғанишер ЭШОНҚУЛОВ. — Айтиш жоизки, диёримизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, аҳолининг осуда ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини ташкил этади.

Бугун юртимиз шаҳар ва қишлоқлари кўчаларида, майдонларида, боғу роғларида сайр қилиб юрган болажонларни, ёшу кексаларни, улардаги хотиржамлик ва кўтаринки кайфиятни кўриб, кўз қувонади. Зотан, осойишта умр деганда, одамлар бир-бирлари билан аҳил-иноқ яшаб, яхши кунларини бирга, баҳамжиҳат ўтказиши тушунилади. Албатта, осойишталик бор жойда тўйтантана, байрамлар татийди, шоду хуррамлик ҳукм суради. Оммавий ахборот воситалари орқали айрим мамлакатларда бўлаётган нотинчликни, уруш-тўполонни, тартибсизликларни кузатар эканмиз, ўлкамиздаги тинч ҳаёт, мусаффо осмон билан фахрланамиз.

Наврўз умумхалқ байрами шодиёналарининг мамлакатимиз бўйлаб тинч, осойишта, юксак савияда ўтишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётир. Хусусан, жорий йилнинг 20 февралидан бошлаб "Тозалаш" деб номланган кенг қамровли профилактик тадбир ўтказилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, пойтахтимиз, шаҳар ва туманлар марказларида, ҳар бир қишлоқ, овул, қўрғон ва маҳаллада — байрам ўтадиган барча ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш, аҳолининг тинчлигини, ёнғин хавфсизлигини, йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан алоҳида гуруҳлар иш олиб бормоқда. Белгиланган тадбирларни амалга оширишда, энг аввало, бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари кўмагидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан профилактика хизматини ташкил этилгани ва тобора такомиллаштирилаётгани аҳоли тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилаётир. Бугунги кунда юртимизда 3,5 мингдан зиёд милиция таянч пункти фаолият юритмоқда. Соҳа инфратузилмаси замон талаблари даражасида ривожлантирилмоқда. Милиция таянч пункти ҳузурида маҳалланинг барча қатламини ўзига жалб этувчи тадбирлардан ташқари кичик бизнес шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш ва спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. 2009 йилда 2740 маҳаллада бороратга ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани бунинг далилидир.

Маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, мамлакатимизни демократик янгилашга қаратилган ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида муҳим ўрин тутади. Маҳалланинг аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашга қўшаётган ҳиссаси тобора кучайиб бормоқда.

Тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик, аввало, оиладан, маҳалладан бошланади. Шуни эътиборга олган ҳолда, ҳар бир қишлоқ, овул, қўрғон ва маҳаллада ички ишлар идоралари ходимлари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, фаоллар, маҳалла оқсоқоллари, таълим-тарбия соҳаси вакиллари иштирокида аҳолини огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этувчи учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказилаётир.

"Наврўз — 2010"

Ички ишлар идораларининг асосий вазифаларидан бири — фуқароларнинг паспорт-виза қоидаларига амал қилишини таъминлашдан иборат. Бу борада фуқароларни доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшаш ҳолатларини аниқлаш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг республикамиз ҳудудида бўлиш қоидаларига амал қилиши алоҳида назоратга олинган. Паспорт-виза қоидаларига амал қилинишини таъминлаш бўйича ўтказилган текширувлар давомида 42 минг 762 маъмурий қоидабузарлик аниқланди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Турли мафкуравий хуружлар ёшлар онги ва маънавиятига таҳдид қилаётгани ҳар биримиздан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишни талаб этади. Айниқса, ёшларимизни гиёҳвандлик балосидан асраш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчилик ҳамжиҳатлигида ўтказилаётган тарғибот-тушунтириш тадбирларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни вояга етказишга катта эътибор қаратилиб, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар, тинчлик ва осойишталикни, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш борасидаги кенг кўламли ишлар бераётган юксак самараларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юрт тинчлиги — улуғ неъмат, барқарор тараққиёт гаровидир. Халқимиз тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқишининг муҳим кафолати, деб билади. Зотан, тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон бўлган мамлакатдагина тараққиёт бўлади, бунёдкорлик ишлари ривож топади. Бу олижаноб мақсад ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди, айни чоғда ҳар бир юртдошимиздан ҳушёр ва огоҳ, фаол ва ҳамжиҳат бўлишни талаб қилади. Бу Наврўз умумхалқ байрами шодиёналарининг мамлакатимиз бўйлаб тинч, осойишта, юксак савияда ўтишига хизмат қилади.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Жиззах Вилояти

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ — УСТУВОР

Назорат

Бу масала фақат ушбу соҳа ходимлари эмас, балки бутун жамоатчилик учун алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дейлик, дўкондан рўзғор учун бирор бир нарса харид қилдингиз. Уйга боргач, маҳсулот сифатсиз, кундалик эҳтиёжга яроқсиз бўлса, ҳафсалангиз пир бўлади. Ана шу ҳолатда биз ўзимизнинг истеъмолчи сифатида муносабатга киришганимизни сезамиз. Шу ва бунга ўхшаш масалалар кўпчиликка яхши таниш бўлган жойлардаги стандартлаштириш ва метрология бошқармалари фаолиятининг асоси ҳисобланади. Суҳбатдошимиз Жиззах вилояти стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Нурилла ЎРОЗҚУЛОВ.

— Нурилла ака, ислоҳотлар натижасида тизимда ҳам ишлар бирмунча такомиллашди. Бу ҳақда қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги "Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, Жиззах ёғ-экстракт, "Ойл Барака файз" масъулияти чекланган жамиятлари, "Нурли дон", "Бўстон олами", "Эл эрк нур" хусусий корхоналари, Жиззах "Пахтасаноат" бирлашмаси тизимидаги Дўстлик, Зафаробод, Учтепа, Даштобод, Зарбдор, Акмал Икромов номли пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятлари, иккиламчи қора металл шўъба корхонаси, шунингдек, Жиззах "Автотеххизмат" МЧЖлари билан 2011 йилнинг январига қадар сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ва сертификатлаштириш режалаштирилди. Кўриб турганингиздек, сифат тизими ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига тез суръатлар билан кириб боряпти. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчи талабининг ошганлигидан далолат. 2009 йили вилоят миқёсида ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида назорат ўрнатилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги назоратини таъминлашнинг комплекс тизимини такомиллаштириш учун вилоят Давлат санитария-эпидемиология, ветеринария бошқармалари ҳамда ташкилотимиз ҳамкорлигида дастур ишлаб чиқилди. Жамоатчилик жойлари, савдо нуқталарида мониторинглар ташкил қилинди. Ўн бешта ветсанэкспертиза синов лабораториялари шаҳодатлаштирилди. Жойларда эса семинарлар ўтказилди. Нон ва нон ишлаб чиқариш учун ажратилган ун ресурсларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш бўйича "вақтинчалик тартиб"да белгиланган вазифалар юзасидан 17 та қолипли нон ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари фаолияти атрофлича ўрганилди. Натижалари эса "Ўзстандарт" агентлигига тақдим қилиб борилди.

— Бугун бозорларимиз тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар билан тўлиб бормоқда. Кўл учида ишлаб, белгиланган талаб меъёрларини бузаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу борада қай йўсинда назорат ўрнатилганлиги ҳақида гапириб ўтсангиз.

— Вилоятимиз миқёсида 2009 йили режа асосида 21 та тадбиркорлик субъектларини назоратдан ўтказиш режалаштирилган эди. Мазкур хўжалик субъектларида 27 турдаги 97567 минг сўмлик маҳсулотлардан сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун намуналар олиниб, уларнинг ташқи кўриниши, сақланиши, физик кўрсаткичлари аниқланди. Озиқ-овқат, алкоголли ичимликлар, нефть маҳсулотлари сифати, сақланиши, ўлчов воситаларининг ҳолати ҳамда йиллик мажбурий давлат қиёслов кўригидан ўтказилиши юзасидан аниқланган камчиликлар асосида 21 нафар жавобгар шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 213-моддаларига асосланиб баённома тузилди ва 618 минг сўмдан ошиқ маъмурий жарима қўлланилди. Кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Сифат тизимларига амал қилган корхоналар ишлаб чиқаришда ўрнак кўрсатяпти. Булар олиб борилган ишлар самарасидир. Олиб борилаётган ишлар ходимларимиздан мунтазам изланишни, изчилликни талаб қилади. Асосий мақсад сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш. "Энг яхши маҳсулот" кўрик-танловининг вилоят босқичида "Ўзэксайд" қўшма корхонаси аккумулятор маҳсулотлари ғолиб деб топилди ва республика босқичига йўлланма олди. Бир нафар ходимимиз Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ҳамкорлигидаги тренинг курсида муваффақиятли иштирок этиб, сертификат соҳиби бўлди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Суҳбатдош: Улуғбек ЖУМАЕВ.

Мутахассис минбари

Донли экинлар орасида ўсувчи туяқорин (кўкмараз), кампирчопон ва аччиқмия (талхак) каби заҳарли ўтлар ўта хавфли бўлиб, карантин бегона ўтлари қаторига киради. Улар ўта яшовчан бегона ўт бўлиб, чуқур кириб борувчи илдиз системасига эга ҳамда кўпроқ лалми ва қисман суғориладиган ерларда дон экинлари орасида ўсади. Уларнинг уруғи аралашган буғдой, арпа, тариқ, жўхори ва бошқа ўсимликлар овқатга ишлатилганда одам ва ҳайвонлар заҳарланиб, оғир касалликларга чалинади.

Далаларда заҳарли ўтларга ўрин йўқ

Кўкмараз (туяқорин) — йирик туклар билан қопланган, сершох пояли бир йиллик ўсимлик бўлиб, баландлиги 40 сантиметрдан 140 сантиметргача етиши мумкин. Илдизи ингичка, узунлиги 10-20 сантиметр, япроқлари тухумсимон бўлиб, калта тукчалар билан қопланган бўлади. Гуллари майда оқ найчасимон, меваси ўзаро чоклар билан туташган 1,5-2 миллиметр катталикдаги тўртта ёнғоқчадан иборат. Ёнғоқлари кўкимтир тусда бўлиб, бахмалсимон туклар билан қопланган, пишгандан кейин чок-чокидан ёрилиб, уруғлари тўкила бошлайди. Унинг бир тупи 4 мингтагача уруғ бериши мумкин. Кўкмараз апрель ойида униб чиқиб, июлда қийғос гуллайди ва август ойида уруғи ялпи пишади ҳамда тўкила бошлайди. Уруғи майда 0,5-1 миллиметр катталикда бўлиб, таркибида 1 фоизгача заҳарли моддалар бўлади. У кирган организмдан чиқиб кетиши қийин бўлган заҳарли геллиотрин моддадир. Геллиотрин билан заҳарланганда кўнгил айнийди, бемор қусади, қорнида қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Касаллик зўрайиши билан беморнинг мадори қурийди, қорин жуда катталашиб кетади, шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли кўкмаразни ва ундан заҳарланиш оқибатида келиб чиқувчи касалликни туяқорин деб атайди.

Кампирчопон илдизи 3-4 метр чуқурликкача кириб борувчи бўйи 80 сантиметргача етадиган сершох кўп йиллик бегона ўт. Пояси ялтироқ, оқ рангли, барги тухумсимон ўткир учли бўлиб, оқ ялтироқ майин тукчалар билан қопланган. Шунинг учун ҳам у кампирчопон дейилади. Кампирчопоннинг гуллари кулранг-яшил, меваси бир-бири билан бириккан тўртта ёнғоқдан иборат. Уруғи йирик — 7-10 миллиметр катталикда бўлади. Кампирчопон апрель ойида, қишлаб чиққан илдизидан кўкара бошлайди. Июнь ойида ялпи гуллаб, уруғи июль-август ойларида пишади. Етилган уруғлари 2,7 фоиз триходесмин алколоидини тугади. Бир туп кампирчопон ўртача 2 мингтагача уруғ бериши мумкин. Поя ва баргларида ҳам 1 фоизгача триходесмин бўлиб, йиғим-терим, янчиш ва сақлаш вақтида унинг шираси теккан дон заҳарли бўлиб қолиши мумкин. Триходесминнинг заҳарли таъсири кучли бўлиб, жуда оз миқдорда бўлса-да, донга қўшилиб қолса, тайёрланган ун ва ёрмалардан одам заҳарланиши мумкин. Заҳарланиш юз берганда одамнинг боши, қорни қаттиқ оғрийди, кўнгли айнийди, ичи кетади. Заҳарланишнинг оғир турида эса оёқ-қўл томири тортишади, нутқ йўқолиб, беморнинг психикаси бузилади. Беморга ўз вақтида врач ёрдами кўрсатилмаса, касаллик ўлим билан тугаши мумкин.

Аччиқ мия (талхак) эса бўйи 50-70 сантиметр бўлган сершох кўп йиллик бегона ўтдир. Барги майда тухумсимон бўлиб, новдада 8-13 тагача жуфт-жуфт бўлиб жойлашган, гули пушти ва тўқ қизил. Аччиқ мия март ойи охирларида кўкара бошлайди, май ойида гуллаб, июнь-июль ойларида уруғи етилади. Дуккаклари 5-6 уруғли, илдизи, барги ва уруғида 3-6 фоизгача заҳарли алколоидлар бўлади. Аччиқ мия заҳарли бўлгани учун ҳайвонлар ёмайди, яйловларда ўт кам бўлганда аччиқмияни еган қўй, эчкилар кучли заҳарланади. Заҳар таъсирида жигар, буйрак кучли заҳарланишидан гўшти, ёғи сарғайиб, таъми бузилади. Аччиқмия уруғини буғдойдан ажратиш қийин, унинг 0,5 фоиздан ортиқ уруғи аралашса, одамларда кучли заҳарланиш аломатлари кузатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дон тешиги 1,5-2 миллиметрли ғалвирдан ўтказилганда кўкмараз уруғидан тозаланади, аммо кампирчопоннинг йирик уруғлари, аччиқсимон дуккаги ғалвирдан ўтмай қолади. Шунингдек, ғалла кампирчопон билан ифлосланган майдонларда техника ёрдамида ўрилганда унинг поя, барглари эзилиб, заҳарли шираси донга ўтади ва бу дондан тайёрланган ун ва ёрмаларни овқатга ишлатиш, чорва ҳайвонларига бериш қатъиян ман қилинади. Шундай экан, экин майдонларини заҳарли, бегона ўтлардан асраш, уларнинг кўпайишига қарши барчамиз астойдил курашишимиз зарур.

Баҳодир ҲАКИМОВ, Навоий вилояти ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи.

Қорақалпоғистон Республикаси

Оролбўйидаги ўнлаб кўллар сув билан таъминланган, қарийб 110 минг гектарни эгаллаган ҳавзаларда балиқчилик ва қушчиликни қайта ривожлантириш, чорва моллари учун мустаҳкам озуқа базаси яратилди. Натижада 60 та балиқчилик хўжаликлари ташкил қилиниб, иқтисодиётнинг янги соҳаси вужудга келди. Уларга 72 минг гектар кўллар, сув ҳавзалари ажратиб берилди. Қозоқдарё балиқ заводи шулар жумласидандир.

Соҳа қайта ривожланмоқда

— Корхонамиз обиҳаёт билан тўлдирилган сув ҳавзаларидан фойдаланади, — дейди завод раҳбари Нукусбой Абдухолиқов. — Биринчи галда Жултирбос кўлининг 10 километрига дамба кўтарилиб, 2 та гидроиншоот қурилди. Балиқ урчитиш, овлаш, истеъмолчиларга вақтида етказиб бериш йўлга қўйилди. Халқимиз дастурхонининг тўкинлигини таъминлаш мақсадида, кичик консерва заводи қурилишини бошладик. Насиб қилса, мамлакат мустақиллиги байрамигача Қозоқдарё тамғаси билан дастлабки консервалар ишлаб чиқарилади.

Соҳани янада кенгайтириш мақсадида Нукус ва Тўрткўл туманларида ташкил этилган балиқ урчитиш цехлари буюртмачиларга чавоқлар етказиб беришга киришди.

Яна бир гап: Кўнғирот тумани ҳудудига қарашли 40 минг гектарни эгаллаган Судачье кўлининг сув билан тўлдирилиши балиқчиликни ривожлантириш билан бир қаторда қушчилик учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Боиси азал-азалдан бу кўл ҳар хил қушларнинг қитъалараро у ёқдан бу томонга қатновида ўзига хос қўналға эди. Ҳозир эса уларнинг қатнови бошланиб, Судачье кўлини қушларнинг чуғур-чуғури босиб кетди.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Бухоро Вилояти

ЧЎПОНЛАР УЧУН ТИҒИЗ ПАЛЛА

Олот туманидаги "Олот" ширкат хўжалиги қорақўлчиликка ихтисослашган. Отарларнинг баъзилари марказдан 100-120 километр олисда жойлашган. Умумий майдони 103 минг гектарни ташкил этадиган ширкат хўжалиги яйловларининг асосий қисми қумли барханлардан иборат. Баҳор фасли қуруқ ва иссиқ келса, бу яйловларда чорвадорлар учун ташвиш ортгандан ортади. Чўпонларнинг бардошини синовдан ўтказадиган, табиат ўз инжиқликларини намоён этадиган йиллар эса тез-тез бўлиб туради.



Ана шундай иқлим ва табиий шароитда сурув ортидан кезиб, қорақўл қўйлари бош сонини кўпайтириш ва улардан олинадиган маҳсулот салмоғини оширишни мақсад қилган чорвадорлар ўтган йили 13 минг бош она қўйдан 13 минг 500 бош қўзи олишди. Улардан 7400 боши ўстиришга қолдирилди. 4 мингдан ортиқ қорақўл тери, 34 тонна жун, 30,5 тонна гўшт ишлаб чиқарилди. Қорақўл қўйларининг бош сони 2 минг бошга кўпайтирилди. Хўжаликнинг Полвонқудуқ, Қорамқўл, Эски ётоқ дея номланадиган яйловларида сурув ортидан юрган Мираббос Умаров, Салом Нуров, Тўра Саъдуллаевлар бош пудратчи бўлган отарларда режалар кўзланганидан ҳам ортиқ бўлди.

— Ҳар бир ишдаги каби қорақўлчиликда ҳам иқтисодий манфаатдорлик барча ютуқларга омил бўлмоқда, — дейди ширкат хўжалиги раиси Адиз Гадоев. — Хўжалигимизда пудрат аъзоларининг иш юритишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни ўз вақтида меҳнатига яраша рағбатлантириб бориш яхши йўлга қўйилган. Масалан, ўтган йил қўзилатиш мавсумини юқори кўрсаткичлар билан якунлаган Нутфулло Қурбонов, Ориф Саъдуллаев каби бош чўпонларимизга шартномага мувофиқ 20-25 тадан қўзи натура сифатида бепул берилди. Бундай рағбатлантиришлар, ҳеч шубҳасиз, чўпонларимизнинг келгусида ҳам самарали меҳнат қилишларига олиб келади.

Ўтган мавсум қўйчивонлар учун ғоятда барақали йил келди. Баҳор фаслининг серёғин бўлгани натижасида яйловлар ўт-ўланга тўлди. Бу ҳол яйловларимизнинг келгуси йилда ҳам баракали бўлишини таъминлади. Икки-уч йилга етарли озуқа базаси яратилди.

Айни кунда асосий эътибор қўзилатиш мавсумини сифатли ўтказишга қаратилган. Мавжуд техника воситалари, мутахассисходимлар бу ишга жалб қилинган. Отарларга омихта ем, кучайтирилган озуқа ва бошқа зарур жиҳозлар етказиб берилмоқда.

Хўжалик аъзоларининг жорий йилдаги режалари янада улкан: қўзиларнинг асосий қисми ўстиришга қолдирилиши ва шу ҳисобдан отарлар сонининг кўпайтирилиши муҳим мақсад ҳисобланади.

Ҳамроз АЛИ

Қорақўлчилик

Вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ривожи муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам ҳокимликлар, агросаноат соҳаси ташкилот ва корхоналари ҳамда фермер хўжаликларига ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳам кўмакдош бўлиб, қишлоқ хўжалиги тармоқларида эришилаётган натижаларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги ривожига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, келгусида қонунбузилиш ҳолатлари келиб чиқишининг олдини олиш борасида прокуратура органлари ходимлари қонун талаблари ижросини таъминлаш мақсадида қатъий чоралар кўришмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони прокуратура органлари ходимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур фармонда зиммамизга юклатилган вазифалар ва қишлоқ хўжалигига оид қонунлар қандай бажарилаётганини аниқлаш мақсадида вилоят прокуратураси органлари томонидан 257 та текширишлар ўтказилди. Ушбу текширишлар натижаларига кўра, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 622 та тақдимномалар киритилди. 1016 нафар шахсга нисбатан интизомий, 2455 нафарига маъмурий, 802 нафарига эса моддий жавобгарликка оид ишлар қўзғатилди. Бир юз саксон олтита қонунга зид ҳужжатларга нисбатан протест киритилди.



Фаолиятда сохтакорлик ярамайди

Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан жиноят ишлари қўзғатилди.

Текширишлар давомида судларга 10 миллиард 321 миллион 779 минг сўмлик моддий зарарларни ундиришлик юзасидан 1703 та даъво аризалари киритилди.

Республика Президентининг пахта ва бошоқли дон етиштириш прогноз ҳажмлари ва уларни йиғиб-териб олишга оид қарорлари талаблари ижросини таъминлаш борасида мунтазам назорат тадбирлари амалга оширилиши ўз натижасини бермоқда. Қарорларда белгиланган майдонларга тўлиқ чигит ва бошоқли дон экилиши таъминланди. Бундан ташқари, долзарб бўлган шудгорлаш, дефолиация ўтказиш, минерал ўғитлар билан таъминлаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қабул қилинган қарорлар ижрози устидан прокурор назорати кучайтирилган.

Пахта ва бошоқли дон хосилининг талон-тарож қилиниши ҳолатлари бўйича айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Шунга қарамай, айрим жойларда қўпол қонунбузилишлар, аниқроқ қилиб айтсак, жиноий ҳаракатлар содир этилмоқда.

Масалан, ер қонунчилиги бўйича аниқланган қонунбузилишларни таҳлил этадиган бўлсак, баъзи бир майдонлардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Прокурорлар аралашуви билан 54,3 гектар ер майдонлари давлатга қайтарилди. Чуст туманидаги "Исомаддин Зайлиддин" фермер хўжалиги раҳбари Ш.Зайлиддинов мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, пахта экилиши лозим бўлган 25,6 гектар майдоннинг 15,6 гектарига бошқа экинлар экиб олади. Банкдан олинган имтиёзли кредитнинг 7 миллион 388,8 минг сўмини бошқа мақсадлар учун сарфлайди. У ғўза парваришида қатнашаётганларга иш ҳақи учун банк томонидан берилган 273,6 минг сўм маблағни ҳам ўз манфаатлари йўлида ишлатиб юборади. Ш.Зайлиддинов Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "а", "г" бандлари ва 205-моддаси 2-қисми "в" банди билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Кишлоқ хўжалиги корхоналарида ўзаро ҳисоб-китоб ва тўлов интизоми аҳволи ҳам мунтазам ўрганиб борилмоқда. Косонсой туманидаги "Чиндовул мероси" фермер хўжалиги 2009 йил ҳосили учун 49,6 гектар майдонга чигит экиб, ўзаро шартномага кўра 102 тонна пахта хомашёсини давлатга топшириши лозим эди. Шартномавий режа эса 50,3 фоизда бажарилмай қолиб кетган. Ўтказилган текширишда мазкур фермер хўжалиги Халқ банкининг туман филиалидан берилган кредитдан 23 миллион 971 минг сўм, Нефть база унитар корхонасидан олинган нефть маҳсулотларидан 15 миллион 883 минг сўм ва "Қишлоққўжаликкимё" туман филиалидан ажратилган минерал ўғитлардан 2 миллион 631,4 минг сўм қарздор эканлиги аниқланди. Фермер хўжалиги раҳбари пахта теримида иштирок этган ҳашарчиларга 480,6 минг сўм иш ҳақини ҳам бермаган. Мазкур ҳолатлар юзасидан М.Аҳмедовга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "г" банди ва 205-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Норин туманидаги "Алимқул ота" фермер хўжалиги бош ҳисобчиси Ж.Ҳамроқулов эса хўжаликка пахта теримига ёрдамга келганларга берилиши лозим бўлган 1 миллион 337,9 минг сўм маблағни сохта имзолар қўйиб ўзлаштириб юборган. Теримчилар ҳақига хиёнат қилган бош ҳисобчи Ж.Ҳамроқуловга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "б", "г" бандлари, 209-моддаси 2-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Ўтган йили қишлоқ хўжалиги корхоналари масъул мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар томонидан минерал ўғитларнинг талон-тарож қилинганлиги ҳам аниқланди.

Поп туманидаги "Равшанбек-Ғурумсарой" фермер хўжалиги раҳбари Р.Асрақулов ҳам фермерлик шаънига доғ тушириб, кўпчилик олдида юзи шувут бўлди. У контрактация шартномасига асосан 44,8 гектар майдонга чигит экиши шарт бўлса-да, шундан 8,6 гектарига ўзбошимчалик билан шоли экди. Ғўза агротехникаси учун ишлатилиши керак бўлган 1425 литр дизел ёнилғисини, 7 тонна 231 килограмм минерал ўғитларни талон-тарож қилди.

Р.Асрақулов қилмишига яраша суд ҳукми билан жазосини олди.

Тумандаги "Абдуллажон ота Ю" фермер хўжалиги бошлиғи А.Юлдашев пахта экилиши лозим бўлган 8,9 гектар майдонга ерёнғоқ экиб, давлат манфаатларига 11 миллион 723 минг сўм зарар етказгани учун жазога тортилди.

Қишлоқ хўжалиги техникалари ва улардан фойдаланиш аҳволи ўрганилганда, техника воситалари ва эҳтиёт қисмлари талон-тарож қилинганлиги фактлари ҳам аниқланди.

Текширишлар давомида пилла етиштиришдаги баъзи бир ноқонуний ҳаракатлар ҳам очилиб қолди. "Мингбулоқ водий ипаги" хусусий корхонаси раҳбари А.Ёркинов фермер хўжаликларидан аслида қабул қилинмаган пилла хомашёсини қабул қилинганлиги ҳақида сохта квитанцияларни расмийлаштиради. Фермер хўжаликлари томонидан 2009 йил ҳосилидан шартномага кўра топширилиши лозим бўлган пилла маҳсулотларининг қабул чораларини кўрмай, давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлган А.Ёркиновга нисбатан Жиноят кодексининг 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, у қилмишига яраша жазога тортилди.

Прокуратура органлари ходимлари турмуш фаровонлигига хизмат қилувчи агросаноат тармоқларидаги қонунбузарликларни бартараф этиш, жиноий ҳаракатларни содир этганларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш учун қонун доирасида барча чоратадбирларни кўраверади.

Камолиддин ПАРПИЕВ, Наманган вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи, 1-даражали юрист.

Жиноятга жазо муқаррар

Мулланафаснинг 200 йиллиги олдидан

“Қилвалиғим хайри дуо, кўнглим анинг мастонидир...”

Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий каби ўзбек шоирлари, Маҳтумқули, Камина, Мулланафас каби туркман шоирлари китоблари кириб бормаган, улар шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янграмаган бирорта ўзбек ёки туркман хонадонини топиш маҳол. Илдизи муштарак бўлган икки қардош халқнинг дўстлиги, адабий алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади.

...1955 йилнинг кеч кузи эди. Туркманистоннинг Дарғонота шаҳрида истиқомат қилувчи яқин қариндошларимиздан бири менга туркман тилида чоп этилган “Зуҳра-Тоҳир” китобини совға сифатида олиб келди. Китобни бир кечада ўқиб чиқдим. Ўша пайтларда халқ достонларига қизиқиш жуда кучли эди. Ҳамқишлоқларимиз кечқурун 50-60 кишилик жамоа бўлиб тўпланишар ва саҳаргача кўсак чувиш билан шуғулланишарди. Қиссахон боболар ва фозила момолар “Абу Муслим”, “Бобо Равшан”, “Зайнулараб”, “Қиссаи Шоҳ Машраб” китобларини ёддан ҳикоя қилиб, даврадошларига мадад беришарди. Мен ҳам шундай кечаларда туркман шоири Мулланафаснинг “Зуҳра-Тоҳир” достонини ўзбекчалаштириб, ўқиб берардим. Ундаги гўзал шеърий сатрлар тингловчиларни ҳайратга соларди. Бир сўз билан айтганда, менда Мулланафаснинг сержило бадиий оламига ёшлигимданоқ муҳаббат уйғонган эди. Халқимизнинг севимли санъаткорлари Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров, Олмахон Ҳайитова, Ортиқ Отажонов, Бобомурод Ҳамдамовларнинг шоир шеърлари билан айтилган қўшиқлари бу оташнафас ижодкорни барчага бирдай ошно қилди.

XIX аср туркман мумтоз адабиётининг етук намояндаси Мулланафас Қодирберди ўғли 1810 йилда Марв вилоятига қарашли Мурғоб туманида зиёли хонадонда дунёга келди. Улар тўрт оға-ини бўлиб, Мулланафас оиланинг кенжаси эди. Ёш Мулланафасда илм ўрганишга бўлган иштиёқни пайқаган отаси унинг мактаб ва мадраса таълимини пухта эгаллашига шароит яратди. У дастлабки маълумотни ўз қишлоғида олгач, Марв, Бухоро ва Хива мадрасаларида таҳсилни давом эттириб, диний ва дунёвий билимларини янада бойитди. Мадраса таълимини тугатгач, она юртида мактабдорлик қилди ва тез орада шоир сифатида ном чиқарди. Ижодда Маҳтумқули анъаналарини давом эттириб, ахлоқ-одоб, ишқ-муҳаббат мавзуларида сермаъно назм дурдоналарини яратди.

Мулланафас шеърий меросини уч гуруҳга ажратиш мумкин. Булар панднасиҳат руҳидаги — дидактик, ижтимоий мазмун касб этувчи ва ишқ-муҳаббатни тараннум қилувчи шеърлардир.

Мулланафаснинг ижодий камолотида замондоши ва устози Мавлоно Каминанинг хизматлари катта бўлган. Шунингдек, Мулланафас XIX аср Хоразм адабий муҳити вакиллари билан ҳам яқин мулоқотда бўлиб турган. Бу ҳамкорлик самараси айнан йирик эпик асар — “Зуҳра-Тоҳир”да ўз ифодасини топган. Хоразм диёрида кенг тарқалган халқ достони сюжети асосида шоир гўзал китобий достон яратган.

Мулланафас бадиий маҳоратининг юксалишида ўзбек мумтоз адабиётининг ўз ўрни бор. У Навоийни устозларидан бири деб ҳисоблаганини қуйидаги мисралар тасдиқлайди:

Низомий, Навоий ҳамда
Фирдавсий,
Сизга кўп хизматлар
қўйгандир кўнглим.

Шоир Шарқ халқлари адабиёти ва оғзаки ижодидан яхши хабардор бўлиб, ўз шеърларида “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Вомиқ ва Узро”, “Юсуф ва Зулайхо” каби достонлардаги ошиқ-маъшуқлар номини қўллаган ҳолда талмеҳнинг гўзал намуналарини яратади:

Сайфал Мадҳалжамол деб
денгизда сурди даврон,
Билқис дебон Сулаймон
сайр этди суйи осмон,
Юсуфжон деб Зулайхо давомат
чекди армон,
Варқа, Гулшо тотмади ишқнинг
дардига дармон,
Мурод ҳосил бўлмади ўтди
армон ичинда.

Мулланафас ижодида ватанпарварлик мавзуси кенг ўрин эгаллаган. Шоир мард йигитларни эл-юрт ҳимоясига даъват этувчи жанговар қўшиқлари билан руҳлантириб турган. Шоир бу мавзуда:

“Қилганим хайри дуо,
кўнглим анинг мастонидир”,

мисралари каби гўзал ташбеҳлар яратди. Шоир ўзини “ишқ мулкининг шоҳи” деб фахрланган. Унинг “Истабон гўзал ёрни” деб бошланувчи мусаддасидаги фараҳбахш мисраларга эътибор берайлик:

Истабон гўзал ёрни,
кўрдимки саломатдир,
Бош қўйдим оёғинга,
“Тур! — деди, — не ҳолатдир?”
Турдим, дедим: “Арзим бор”.
“Арз айла адолатдир”,
Дедим: “Парилар хони,
сенсиз найларам жонни?”
Деди: “Бу сўзинг бизга
ёлғончи ҳикоятдир”.
Дедим: “На тутқундир бу?”
Ул: “Зулфи кокилим”, деди.
Дедим: “Не алифдир бу?”
Ёр: “Нозик белим”, деди.
Дедим: “Не шакардир бу?”
“Шарбатли тилим”, деди,
Бир бўса талаб қилдим,
“Лозимдир ўлим”, деди,
Дедим: “Мени ўлдиргил,
ё бўлса мурувват қил!”
Оғзимга тираб муштин
“Қўй, — деди, — қабоҳатдир”.

Ушбу мисралар беихтиёр ёдимизга Огаҳийнинг “Дарди тилим анго дедим” ғазалини солади. Шубҳасиз, Мулланафас Хивада бўлганида ўзбек шоирлари Мунис ва Огаҳийлар билан яқин ижодий мулоқотда бўлган. Бу мавзу махсус тадқиқот ва изланишни талаб этади.

Мулланафас номини кенг халқ оммаси орасида машҳур қилган асари — “Зуҳра-Тоҳир”дир. Бу достон шоир ҳаётлик давридаёқ қўлёзма китоб ҳолида қўлдан қўлга ўтган. XX аср бошларида Тошкентда тошбосма усулида бир неча бор нашр этилиб, халқимизнинг энг севимли асарларидан бирига айланган. Достон таркибидаги жозибадор лирик шеърларга куй басталанган. Шоирнинг отаиши мисралари икки қардош халқнинг дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шоирдан Муҳаммадраҳим ва Муҳаммадрасул исмли икки фарзанд қолди. Муҳаммадраҳим отаси изидан бориб, таниқли шоир бўлиб етишди.

Мулланафас 1862 йилда вафот этди. Унинг қабри Марв вилоятининг Вакилбозор туманидаги “Хўжа Абдулла” қабристонида бўлиб, ҳозирда зиёратгоҳга айлантирилган.

Абдулла АҲМЕДОВ,
Урганч давлат университети доценти, шарқшунос олим.

СПОРТ

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ИККИНЧИ ТУР УЧРАШУВЛАРИДАН СЎНГ...

10 март куни Осиё Чемпионлар лигаси иккинчи турининг навбатдаги учрашувлари бўлиб ўтди. Тошкентнинг “Пахтакор” жамоаси ўз майдонида “Ал Шабаб” (Саудия Арабистони) га 1:3 ҳисобида имкониятни бой берганидан сўнг Арабистон ярим ороли жамоаси “С” гуруҳи пешқадамига айланди. Сабаби, “С” гуруҳининг кейинги жуфтлиги “Сепахон” (Эрон) ва “Ал Айн” (БАА) ўртасидаги ўйин дуранг билан якунланди.

Исфахон шаҳрининг “Фулад Шаҳр” стадионига ташриф буюрган минглаб футбол мухлислари биронта ҳам голга гувоҳ бўлишмади — 0:0.

“Пахтакор”нинг мағлубиятига сабаб бўлган омилларга тўхталиб ўтирмаймиз. Аммо “Пахтакор” — “Ал Шабаб” ўйинидан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида меҳмонлар жамоаси бош мураббийи Пачеконинг айтган сўзлари эътиборимизни тортди. Мухбирларнинг саволларига жавоб берар экан, у шундай деди: “Мезбонларда Одил Аҳмедовнинг ўйини ёқди. Уни мавсум бошланишидан олдин сафимизга қўшиб олишни истаганидик, аммо ҳозирча жамоа билан бир фикрга кела олмадик. Учрашувнинг энг яхши ўйинчиси деб топилган меҳмонлар ҳимоячиси Муаз эса “Пахтакор” сафида Одил Аҳмедов ва Дарко Марковичнинг кўрсатган ўйинлари маъқул тушганини таъкидлаган ҳолда Одилни ўз жамоасига чорлади.

10 март куни бўлиб ўтган бошқа гуруҳларнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

“D” гуруҳи:

“Ал Ҳилол” (Саудия Арабистони) — Мец (Эрон) 3:1

“Ал Аҳли” (БАА) — “Ал Саад” (Қатар) 0:5

“G” гуруҳи:

“Армед Форсиз” (Сингапур) — “Сувон Самсунг” (Жанубий Корея) 0:2

“Гамба Осака” (Япония) — “Хенань Цзянье” (Хитой) 1:1

“H” гуруҳи:

“Похан” (Жанубий Корея) — “Санфреччe Хиросима” (Япония) 2:1

“Шаньдунь Лунен” (Хитой) — “Аделаида Юнайтед” (Австралия) 0:2.

Кейинги турда жамоаларимиз Эрон жамоаларига қарши тўп суришади. 23 март куни “Пахтакор” ўз майдонида “Сепахон” билан, “Бунёдкор” 24 март куни “Зоб Аҳан” меҳмони бўлади.

«РЕАЛ» ЛОЙИҲАСИ БАРБОД БЎЛДИ

Европа майдонларида Чемпионлар лигаси 1/8 финал баҳслари доирасидаги жавоб учрашувлари бўлиб ўтди.

Бир неча кун аввал “Порту” (Португалия)ни 5:0 ҳисобида мағлуб қилган “Арсенал” (Англия) ҳамда “Фиорентина” (Италия) тўсиғидан бир амаллаб ўтиб олган “Бавария” (Германия) жамоалари кейинги босқич масаласини ижобий ҳал этган эди.

Куни кеча эса “Манчестер Юнайтед” (Англия) “Олд Траффорд”да Италиянинг “Милан” жамоасини қабул қилди. “Қизил иблислар” меҳмонлар таркибидаги Роналдиньо, Бекхем, Зеедорф каби юлдуз футболчиларнинг ҳам ҳурматини бир четга суриб, тўртта жавобсиз тўп киритишди ва Англиядан кейинги босқичга йўл олган иккинчи жамоага айланишди.

Энг кутилмаган натижа “Сантьяго Бернабеу”да қайд этилди. “Реал” (Испания) “Лион” (Франция) билан дастлабки — меҳмондаги ўйинда 1:0 ҳисобида мағлубиятга учраган эди. Жавоб ўйинида эса 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди ва икки учрашув натижасига кўра кейинги босқичга “Лион” йўл олди.

Эътиборлиси, бу мавсумдаги Чемпионлар лигаси финал учрашуви Мадридда “Сантьяго Бернабеу” майдонида бўлиб ўтади. “Реал” клуби мутасаддилари ўз майдонида ўтадиган финал учрашувида иштирок этиш учун жуда катта маблағ сарфлаган, шу жумладан, Криштиану Роналду, Кака каби юлдуз футболчиларни катта маблағ эвазига харид қилган эди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

“Реал”нинг фидойи дарвозабони Икер Касильяс шу куни жамоасига ёрдам бера олмади.

ЧП “EXKLUZIV DELUXE” (код по ОКПО 22251671) сообщает о преобразовании в ООО “EXKLUZIV DELUXE”. ООО “EXKLUZIV DELUXE” становиться правопреемником всех долгов и обязательств ЧП “EXKLUZIV DELUXE”. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: Республика Узбекистан г.Ташкент М.Улугбекский р-н ул.Ходжибаева д.43.

Барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ-ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2010 ЙИЛ ҚУРИЛИШ МАНЗИЛИЙ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ИШ ҲАЖМЛАРИ ЎЗГАРГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАКРОРАН ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. “Ғиждувон тумани “Саримжон” ҚФЙ ҳудудидаги “Оқгул сув тақсимлаш” иншоати ва 0,4 километр сув қувури қурилиши”.

Буюртмачининг бошланғич нархи — 654,98 миллион сўм (ҚҚС билан), 545,82 миллион сўм (ҚҚСсиз). Курилиш муддати — 6 ой.

2. “Когон шаҳри Олтинкўл кўчасида 165 ўринга мўлжалланган тиббиёт бирлашмаси қурилиши” (1-босқич қурилиши — 20 ўринга мўлжалланган юкумли касалликлар бўлими, 20 ўринга мўлжалланган тери-таносил касалликлари бўлими 80 қатновга мўлжалланган диспансери билан, озиқ-овқат блоки, кир ювиш хонаси, ёрдамчи бинолар ва муҳандислик коммуникация иншоотлари)

Буюртмачининг бошланғич нархи — 3876556,128 минг сўм (ҚҚС билан), 3230463,43 минг сўм (ҚҚСсиз). Курилиш муддати — 2010 йил 1 ноябрь.

Қурилиш ишлари: Республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй. Тел.: (8-365) 223-63-26. Факс: 223-63-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй. 18-хона. Тел: (8-365) 223-96-29; факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (офёрталар) очилиши, эълон матбуотда берилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй, 18-хона.

Тошкент ш. С.Раҳимов т. ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган “TOSH-MARMAR” МЧЖнинг Устав фонди 46 063 107 сўмдан 16 600 354 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Тошкент вил. Қибрай т. Ботаника ҚФЙ Оқ-қовоқ манзилида жойлашган “B.A. AGRO” илмий-ишлаб чиқариш МЧЖ номи ўзгарганлиги сабабли янги таҳрирда “BOTANIKA LUX” МЧЖ деб номланади. Мурожаат учун тел.: (+99893) 399-91-13.

ООО “YAKUBOVA UMIDA PLYUS” сообщает об уменьшении Уставного фонда с 80 000 000 сум до 28 000 000 сум. Претензии принимаются по адресу: г.Ташкент ул.Кукча дарбоза д.5.

НОМИГА МОНАНД ЗАРКЕНТ

Маълумки, халқимиз кечмишини ёритишда, тарихий ҳақиқатни акс эттиришда шаҳарлар ва қишлоқлар тарихи, таниқли кишиларнинг кўп йиллик серқирра фаолияти, уларнинг хотиралари муҳим аҳамият касб этади. Яқинда Эркин Ҳайитбоевнинг “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашр этилган “Заркент ёхуд Фарғона водийси тарихидан лавҳалар” рисоласида ана шу жиҳатларга эътибор қаратилган.

Рисолада Фарғона водийсининг шимолий-ғарбий қисмида, Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида жойлашган Заркент қишлоғининг тарихи, Фарғона водийси ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг айрим қирралари ёритилган. Асарда Фарғона водийсига ислом динининг ёйилиши, мўғул босқини, Амир Темур барпо этган салтанат, кейинчалик вужудга келган вазият, узоқ давом этган зиддиятли йиллар ҳамда мамлакатимизнинг давлат мустақиллигига эришгандан кейинги давр ранг-баранг лавҳаларда акс эттирилган.

Рисола турли даврларда нашр этилган китоблар, мақолалар, архив ва музей ҳужжатлари, Заркентдаги 30-умумий ўрта таълим мактаби қошида ташкил этилган “Ёш изтопарлар” клуби тўплаган ҳужжатлар асосида ёзилган. Китобда Заркентнинг географик жойлашуви, суғориш тизими, гўзал табиати, аҳолисининг турмуш тарзи, урф-одатлари, шунингдек, қишлоқ аҳолисининг фаровон ҳаёт кечириши йўлида жонбозлик кўрсатган фидойилар фаолияти қаламга олинган.

Муаллиф тарихий воқеаларни ёритишда ўзига хос бир шакл ва услубни танлаб, воқеаларга тадрижий ёндашган. Рисола юртимиз тарихи билан қизиқадиган китобхонларга янги маълумотлар бериши, тасаввурини бойитиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

АРАЛАШ ОЗУҚА МАҲСУЛОТЛАРИ СОТИЛАДИ

Қарши шаҳридаги “ДУНЁ-М” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган аралаш озуқа маҳсулотлари тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали биржа савдоларида вужудга келган ўртача нархларда пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Манзил: *Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Шайхали қўрғончаси Олтин бошоқ кўчаси 1-уй.*
Телефонлар: *(8-375) 226-54-90; 226-53-52;*
Факс – 226-53-18. Қарши “Дунё-М” АЖ маъмурияти.

РЕСПУБЛИКА ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА АГРОКИМЁ МАРКАЗИ ВИЛОЯТЛАРДА 2010 ЙИЛ МАВСУМИДА ЗАРАРЛИ ЧИГИРТКАЛАРГА ҚАРШИ РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИ ҲИСОБИДАН БАЖАРИЛАДИГАН КИМЁВИЙ ИШЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ УЧУН АВТОМАШИНАГА ЎРНАТИЛГАН УМО (ЎТА КАМ ҲАЖМДА ИШЧИ ЭРИТМА ПУРКАШ) ПУРКАГИЧЛАРИ ВА МОТОДЕЛЬТОПЛАНЛАРГА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов муддатлари ва маълумотлар учун телефонлар:

Қашқадарё вилоятида	25 март	8-375-225-33-19, 205-16-07
Сурхондарё вилоятида	27 март	8-376-223-75-14, 3-75-16
Самарқанд вилоятида	29 март	8-366-236-44-70, 6-44-73
Жиззах вилоятида	30 март	8-372-222-37-12
Навоий вилоятида	2 апрель	8-436-223-40-04, 3-46-81
Бухоро вилоятида	5 апрель	8-365-228-20-98

Юқоридаги техника воситаларига эга бўлган ташкилотлар, хусусий корхоналар ва фермер хўжаликлари танловга таклиф қилинади.

“AGTECH AGRI”

шўъба корхонаси фермерларга “Джон Дир” техникаларини таклиф этади.

Тошкентдаги омборхонадан ғалла ва шоли ўриш, пахта териш комбайнлари ҳамда ер ҳайдов тракторлари сотилади.

Маҳсулотлар сертификатланган

Кафолат муддати **1 йил** ҳамда **сервис хизмати** кўрсатилади.

Телефонлар (+99871) 244-69-79; 241-02-29
(+99897) 746-10-56 сот.
E-mail: info@agtec.eu
Манзил: *Тошкент ш. Навоий кўчаси 3/75.*

Утерянный диплом К № 789740 (рег. № 1181), о среднеспециальном образовании, выданный в 2007 г. 1-ым Республиканским медицинским колледжем на имя Икрамовой Гулрух Равшанбековны, считать недействительным.

ДП “DILOROM TAOM PLUS” (код по ОКПО 20000054, ИНН 205528804), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелийского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: Сергелийский р-н м-в Спутник кв-л 6 д.10а, ликвидируется (приказ учредителя № 2 от 9 марта 2010 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 486-58-29.

Тошкент ш. Адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 15 июлда Тошкент ш. С.Раҳимов т. Адвокатлари адвокатлик ҳайъати адвокати Азизова Нодира Акилджановна номига берилган № 1031 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси жамоаси агросаноат соҳасида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган меҳнат фахрийси **Исмоилжон ҚУРБОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Фарғона вилояти ветеринария бошқармаси, ветеринария мутахассислари вилоят ассоциацияси жамоалари Республика ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари махсус лабораторияси директори ўринбосари **Абдулла ҚУРАНБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Зафар РЎЗИЕВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Гуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимхон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ағитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими— 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.
ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 352-54-58; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 593-27-57; Жиззах – 366-61-15; Навоий – 224-69-08; Наманган –224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 588-06-89; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 520-69-14; Қашқадарё – 221-59-40; Сурхондарё – 392-50-42.

Реклама ва эълонлар –
236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
①-тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Навбатчи: А.ҲАҚБЕРДИЕВ
Мусаҳҳиҳ: С.ҚОДИРОВ
Дизайнер: Ю.МИХАЙЛОВСКИЙ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба (“Ҳаёт”-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-217, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.25
18974 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4